

МИЛЛИЙ ФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМ УФҚЛАРИ

Н. Жабборов*



Проф. Н. Жабборов

Тил ва адабиёт, Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда, «ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон ойинаи ҳаёти». Зеро, миллатнинг миллат эканини белгиловчи, уни бошқа миллатлардан ажратиб турувчи бирламчи омил тили ва адабиётидир. Абдулҳамид Чўлпоннинг «адабиёт яшаса — миллат яшар» дейиши шундан. Модомики шундай экан, миллатнинг ўз-ўзига ҳурмати, биринчи навбатда, тил ва адабиёт таълимига бўлган эътибори билан белгиланади. Бошқа бирон соҳанинг аҳамиятини камситмаган ҳолда, таъкидлаш керакки, тил ва адабиёт таълими даражаси — миллатнинг тараққиёт даражасини кўрсатувчи мезондир. Аждодларимизнинг тил ва адабиёт таълимига алоҳида эътибор бергани сабаби шунда.

Тил ва адабиёт таълими аслида миллат тарихи қадар қадимийдир. Зеро, миллат яралибдики, муттасил равишда ижод билан шуғулланиб келади. Ана шундай ижод маҳсули бўлган қўшигу аллалар, эртагу дostonлар, мақол ва маталлар муттасил равишда ёш авлоднинг адабий-эстетик тарбиясида ўзига хос ўрин тутиб келгани аниқ. Замондош олимлар тадқиқотларида исботланганидек, аждодларимиз бунёд этган мадрасалар олий таълим масканлари ҳисобланган ҳамда уларда тил ва адабиёт таълимига ҳар доим алоҳида эътибор берилган. Бироқ чинакам замонавий тил ва адабиёт таълими ўтган XX аср аввали — Миллий университет ташкил этилиши билан боғлиқ.

1918 йил 12 майда Тошкентнинг эски шаҳар қисмида Мунавварқори Абдурашидхонов раҳбарлигида Туркистон Мусулмон халқ дорилфунуни очилганида, Адабиёт ва фалсафа факультети ташкил этилиб, машҳур драматург Фулом Зафарий, шоирлардан — Мўминжон Тошқин, Шамсиддин Шарафиддинов (Хуршид), маърифатпарвар зиёлилар — Қайом Рамазон, Шокиржон ва Собиржон Раҳимийлар бу университетнинг дастлабки педагоглари

бўлдилар. Фитрат она тили ва адабиётдан, Мунавварқори ахлоқдан, Абубакр Диваев этнографиядан, Камол Шамси математикадан, Бурҳон Ҳабиб сиёсий тарихдан, Исмоил Ҳаққи маданият тарихидан дарс берди.

Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий раҳбарлигида дорилфунун шўъбаси очилди. Унда Ҳожи Муин, Сиддиқий-Ажзий сингари таниқли адиблар талабаларга сабоқ берди.

Бошқа кўпгина фанлар қатори она тили ва адабиётни замонавий усулда ўқитишга асос солганлар ана шу жадид боболаримиз бўлган эди. Бу анъана кейинчалик факультет шарқшунослик, тарих ва филология, алоҳида филология ва нихоят, ўзбек филологияси факультети сифатида фаолият кўрсатган йилларда ҳам изчил давом этди.

Бироқ, таъкидлаш керакки, тил ва адабиёт таълими миллат мустақилликка эришгандан сўнггина ўзининг юксалиш палласига кирди. Таълимни ривожлантириш учун фан тараққий этмоғи, унинг сўнгги ютуқлари ўқув жараёнига татбиқ этилмоғи зарур. Шу маънода, Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультети бугун наинки мамлакатимизда, ундан ташқарида ҳам эътироф этилган фан ва таълим марказидир.

Миллий университет ўзбек филологияси факультетида ўтган 90 йил мобайнида тилшунослик ва адабиётшунослик борасида улкан муваффақиятлар қўлга киритилди. Ўзбек тилшунослиги бўйича проф. Аюб Фуломов, ўзбек адабиёти тарихи бўйича проф. Фулом Каримов, жадидчилик ва жадид адабиёти бўйича профессор Беғали Қосимов, адабий танқид бўйича профессор Озод Шарафиддинов илмий мактабларига асос солинди. Бу илмий мактаблар Ўзбекистондагина эмас, хорижий мамлакатларнинг нуфузли фан ва таълим марказлари томонидан ҳам эътироф этилди. Мухими, тўртала илмий мактаб анъаналари бугунги кунда ҳам изчил давом этмоқда.

Профессор А. Фуломов миллий тилларга нисбатан руслаштириш ва шовинистик сиёсат кучайган мураккаб ва зиддиятли даврда она тилимизнинг турли сатҳлари бўйича муттасил илмий изланишлар олиб бориб, рус ва жаҳон тилшунослари эътиборига тушди, эътирофини қозонди. Ўтган асрнинг 50—60-йилларида ўзбек тилшунослиги илмий мактабининг тамал тошини қўйди.

* Н. Жабборов — Ўзбек филологияси факультети декани, филология фанлари доктори, профессор.



Эллик йилдан ортиқроқ даврни ўз ичига олган илмий-педагогик фаолияти давомида олим юздан ортиқ лингвистик асарлар яратди. Бу асарларда ҳозирги ўзбек адабий тили, тил тарихи, ўзбек диалектологияси, стилистика ва нутқ маданиятининг муҳим масалалари илмий ечимини топган. Олимнинг «Ўзбек тилининг грамматикаси» (1940), «Ўзбек тилида аниқловчилар» (1940), «Ўзбек тилида келишиклар» (1941), «Ўзбек тилида кўплик категорияси» (1944), «Ўзбек тилида ургу» (1946), «Содда гап синтаксиси» (1948), «Ўзбек тилида сўз яшаш усуллари» (1949), «Морфологияга кириш» (1953), «Феъл» (1954), «Содда гап» (1955), «Проблемы исторического словообразования в узбекском языке» (докторлик диссертацияси) (1955), «Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис» (проф. М. Асқарова билан ҳаммуаллифликда) сингари илмий ишлари ўзбек ва қардош тилларнинг кўпгина назарий ва амалий масалаларини ҳал этишда алоҳида аҳамият касб этди.

Профессор А. Фуломов ўз асарлари билан ўзбек тилшунослиги ривожигагина эмас, туркология ва шу орқали жаҳон тилшунослиги тараққиётига муҳим ҳисса қўшди. У ўз асарларида дунё тилшунослигида маълум ва маш-

хур бўлган Е.Д. Поливанов, С.Е. Малов, В. Радлов, М. Мелиоранский, И.Е. Массон, Н.А. - Баскаков ва бошқа рус олимлари билан илмий баҳсга киришди. Ўз қарашларини чуқур илмий-назарий асослашга муваффақ бўлди.

Олим ўрта ва олий таълим учун тилшунослик бўйича кўплаб дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратди. Бу орқали она тили таълимини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшди.

Энг муҳими, профессор А. Фуломов илмий мактаби анъаналари бугунги кунда мамлакатимизнинг кўплаб фан ва таълим марказларида фаолият кўрсатаётган тилшунос олимлар томонидан муносиб давом эттирилмоқда. Бунда Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультетидаги уч кафедра — ўзбек тилшунослиги, умумий тилшунослик ва компьютер лингвистикаси, туркология ва факультетлараро ўзбек тили кафедраларининг профессор-ўқитувчилари етакчилик қилаётгани, айниқса, эътиборга молик. Филология фанлари докторлари, профессорлар — И. Қўчқортоев, А. Алиев, Ш. Раҳматуллаев, М. Миртожиев, Р. Сайфуллаева, Ҳ. Дадабоев, Ё. Тожиев, филология фанлари номзодлари, доцентлар — С. Фузайлов, Ҳ. Қаҳҳорова, М. Қодиров, М. Наримонова, М. Жўрабоева,

А. Рафиев каби олимлар яратган илмий монография ва рисоалар, дарслик ва ўқув қўлланмалар бунинг далилидир.

Профессор А. Фуломов издошлари бўлган мазкур олимлар ва уларнинг шогирдлари ўзбек тилининг фонетика, лексикология, грамматика ва стилистикаси масалалари билан изчил шуғулланишни давом эттириб, тил сатҳларини ҳам анъанавий, яъни аналитик, ҳам машҳур швейцариялик тилшунос Фердинанд Де Соссюр асос солган системавий тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганмоқдалар. Тил динамикасини диахрон аспектда текшириш, кўҳна қўлзма манбалар тил хусусиятларини таҳлил қилиш, қардош туркий тилларни қиёсий ўрганиш, шева материаллари асосида диалектологик ва ареал тадқиқотлар олиб бориш, фундаментал филологик лўғатлар яратиш борасида ҳам арзирли ютуқларга эришилди. Проф. Ш. Раҳматуллаев «Ўзбек тили этимологик лўғати»нинг ҳар бири 600 саҳифадан иборат бўлган икки жилдини нашр эттирди. «Ўзбек тили лўғатининг туркий қатлами» монографиясини, «Ҳозирги адабий ўзбек тили» дарслигини, «Систем тилшунослик асослари» ўқув қўлланмасини яратди. Фундаментал илмий асарлар яратиш баробарида кўплаб шогирдлар етиштирган олимнинг хизматлари юксак мақомда эътироф қозонди. Олим 2003 йили муҳтарам Президентимиз Фармонига кўра «Буюк хизматлари учун» орденига сазовор бўлди.

2007 йилги «Энг яхши дарслик» ва «Энг яхши ўқув қўлланмаси» танловида профессор Р. Сайфуллаева раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи яратган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслиги биринчи, доц. А. Рафиевнинг ўқув қўлланмаси фахрли иккинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Филология фанлари доктори Ҳ. Дадабоев тўрт жилдлик «Навоий асарлари тилининг изоҳли лўғати»ни яратишда, Носириддин Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асарини нашрга тайёрлашда қатнашди. Ҳарбий терминлар лўғатини тузди.

Ўзбек тилшунослиги кафедраси ҳар йили профессор А. Фуломов хотирасига бағишлаб илмий анжуман ўтказиб келяпти. Умумий тилшунослик ва компьютер лингвистикаси кафедраси ҳар икки йилда «Тилшуносликнинг долзарб муаммолари» мавзuida тилшуносларнинг анъанавий республика конференциясини ташкил этиб келади. Бу конференциялар тилшуносликнинг энг долзарб, ечимини қутаётган муаммоларини ҳал этишда алоҳида аҳамият касб этаётир.

Факультет тилшуносларининг юқорида қайд этилган тил соҳаларига тааллуқли вазифа-

ларни бажаришга қаратилган изланишларини изчилликда олиб бориш билан бирга тилшунослигимиз учун нисбатан янги йўналишлар ҳисобланган социолингвистика, психолингвистика, компьютер тилшунослиги каби йўналишларга ҳам дадил қўл уриши уларнинг илмий салоҳияти юқори эканидан далолат беради, замонавий тилшуносликда содир бўлаётган жараёнлардан яхши хабардорлигини кўрсатади. Мазкур йўналишлар бўйича тайёрланаётган битирув ишлари ҳамда магистрлик диссертациялари, биринчидан, факультет профессор-ўқитувчилари илмдаги ютуқларни ўқув жараёнига мунтазам татбиқ этаётганини кўрсатса, иккинчидан, яқин келажакда улар таркибининг истеъдодли ёш кадрлар ҳисобига кенгайишидан далолат беради.

Ўзбек филологияси факультети профессор-ўқитувчилари адабиётшунослик борасида ҳам мамлакат олимлари ичида пешқадамликни қўлдан бермай келаятирлар. Таъкидланганидек, бу соҳадаги тадқиқотлар уч илмий мактаб — ўзбек адабиёти тарихи бўйича профессор Фулом Каримов, жадидчилик ва жадид адабиёти бўйича профессор Бегали Қосимов, адабиётшунослик ва адабий танқид бўйича профессор Озод Шарафиддинов илмий мактаблари анъаналари заминида яратилмоқда.

Профессор Фулом Каримов асос солган ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш бўйича илмий мактаб анъаналари доирасида амалга оширилаётган илмий ишлар университет адабиётшунослигининг ёрқин саҳифаларидандир. Бугунги кунда профессорлар — Шариф Юсупов, Ботирхон Акрамов, Ҳамидулла Болтабоев, Насимхон Раҳмонов ва доцентлар — Улугбек Долимов, Омонулла Мадаев, Тожихон Собитова, Иқболой Адизова, Рашид Зоҳидов, Абдумурод Тилолов бу илмий мактаб анъаналарини давом эттирмоқдалар.

Профессор Н. Раҳмонов илмий изланишлари натижаси ўлароқ ажодлардан мерос тошбитиклар, энг қадимги ёзма ёдгорликларнинг адабий манба сифатидаги аҳамияти, поэтикаси, тил ва жанр хусусиятларини ўрганиш янги босқичга кирди. Ўзбекистон ҳудудидан янги топилган тошбитикларнинг илмий истеъмолга олиб кирилгани, айниқса, таҳсинга лойиқ. Олимнинг «Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари» китоби, у нашрга тайёрлаган «Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари»нинг уч жилди, IX асрга оид «Олтин ёруқ» достони бу борада эришилган ютуқлар салмоғини белгилайди.

Мазкур илмий мактаб фаолиятининг давоми сифатида мумтоз поэтика масалалари жиддий ўрганилмоқда. Проф. А. Ҳожаҳмедов-



Кафедра мудирлари йиғилиши

нинг аруз, қофия илми ва шеърый санъатларга бағишланган рисола ва тадқиқотлари ўзбек арузшунослиги ва поэтика илми та- раққиётида алоҳида ўрин тутди.

Профессор Шариф Юсуповнинг «Худо- ёрхон ва Фурқат», «Хуфия қатламлар», «Санъат ва ҳайрат», «Тарих ва адаб бўстони», «Тарих уммони сирлари» сингари монографиялари ада- биётшунослик ва тарихшунослик кесимида бажарилгани билан алоҳида ажралиб туради. Олим муҳим назарий қарашларини архив ҳуж- жатлари, қўлёзма манбалар асосида далил- лайди. Адабиёт тарихини ўрганишга, тари- хий ҳужжатларни тадқиқ этишга доир мето- дологик аҳамиятга молик қарашларни илгари суради.

Профессор Ҳамидулла Болтабоевнинг Фит- рат ижодини ўрганишга доир тадқиқотлари, адибнинг 6 жилдлик асарларини нашрга тайёрлаш борасидаги меҳнатлари ҳам бу ил- мий мактабнинг асосий тамойиллари давом этаётгани далилидир. Олимнинг «Ислом та- саввуфи манбалари» (2005), «Шарқ мумтоз поэтикаси» (2006) каби мажмуа-тадқиқотлари республика ва хориждаги олимлар томони- дан юқори баҳоланди. Ўзбек мумтоз адабиё-

тини ўрганувчи мактаб ўз фаолиятини кен- гайтириб, структурал поэтика, бадиий матн таҳлили масалалари билан шуғуллана бошла- гани унинг замонавий илмий мактаблар қато- рига қўшилаётганини кўрсатади.

Профессор Ботирхон Акромов тадқиқот- ларида университет навоийшунослигининг бу- гунги қиёфаси акс этган. Олимнинг «Фасо- ҳат мулкининг соҳибқирони», «Навоий шоҳ- байтлари» сингари монография ва рисоалари ҳозирги замон ўзбек навоийшунослиги да- ражасида яратилган.

Мустақиллик йилларида адабий-назарий тафаккур эврилишга юз тутди. Адабиёт та- рихини ўрганишдаги чеклашлар бартараф этилди. Натижада шўролар замонида ўрганиш имконсиз бўлган жадидчилик ва жадид ада- биёти муаммолари тадқиқ қилина бошлади. Бу давр адабиётининг хос хусусиятлари бел- гиланди, назарий ва амалий масалалари чу- қур ўрганилди. Ушбу йўналишдаги илмий из- ланишлар шундай суръатда ривожландики, қисқа вақт мобайнида ўттиздан ортиқ ижод- корнинг «Танланган асарлар»и нашр этилди. Бу даврнинг энг сара адиб ва шоирлари асар- лари таълимнинг барча босқичлари дастур-

лари, дарсликларга киритилди. Улар ижоди юзасидан ўнлаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Муҳими, мутахассисларнинг яқдил этироф этишлари-ча, бу йўналишдаги илмий изланишларнинг маркази — Миллий университет, жадидчилик ва жадид адабиётини ўрганиш бўйича илмий мактаб асосчиси эса профессор Беғали Қосимовдир.

Шўролар замонида XX аср бошлари ўзбек адабиёти атиги тўрт ижодкордан — Ҳамза, Айний, Завқий ва Аваздангина иборат қилиб қўйилгани эътиборга олинса, профессор Беғали Қосимов илмий ишларида юзга яқин ижодкор номи тиклангани, улар ҳақидаги илмий ҳақиқатлар юзага чиққанининг аҳамияти аён бўлади.

Миллий истиқлол жадидчилиги ва жадид адабиётини ўрганишнинг илмий мактаб даражасида юксалиши учун мустаҳкам замин тайёрлади. Натижада, «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» истилоҳи илмий муомалага олиб кирилди. Бу давр адабиёти миллий маданиятимиз тараққиётининг ўзига хос босқичи экани ҳужжатлар асосида исбот қилинди. XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошлари ижтимоий ва адабий ҳаракатчилиги ҳар

бир босқичнинг хос хусусиятларидан келиб чиқиб даврлаштирилди. Бу йўналишда фундаментал тадқиқотлар яратилди. Проф. Б. Қосимовнинг «Миллий уйғониш» монографияси, олим раҳбарлигидаги муаллифлар томонидан яратилган «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» дарслиги юзага келди. Жадидчиликнинг замонавий олий ва ўрта таълимни юзага келтиришдаги ўрни илмий далилланди.

Профессор Б. Қосимов илмий мактаби анъаналари бугунги кунда ҳам изчил давом эттириляптир. Олимнинг шогирди Шухрат Ризаев «Жадид драмаси» йўналишида фундаментал тадқиқот яратди. Унинг илмий раҳбарлигида ўзбек ва Европа маърифатпарварларининг қарашлари қиёсий таҳлилига ва Ҳожи Муин драмалари тадқиқига бағишланган номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Филология фанлари номзоди Улуғбек Долимов жадид педагогикаси бўйича докторлик диссертациясини яқунлади, «Туркистонда жадид мактаблари» монографиясини нашр эттирди. Филология фанлари докторлари, профессорлар Ҳамидулла Болтабоев ва Илҳом Ганиев, филология фанлари номзоди Узоқ Жўрақуловларнинг жадид адабиётшунослиги, филология фанлари номзоди Бойбўта Дўсқораевнинг жадид



Факультет жамоаси

матбуоти бўйича яратилган салмоқли тадқиқотлари наинки мамлакатимизда, ундан ташқарида ҳам эътироф этилган. Бойбўта Дўсқораев илмий раҳбарлигида Беҳбудий, Ҳожи Муин каби жадидларнинг муҳаррирлик ва публицистик фаолияти, «Ойна», «Садои Туркистон» журналлари тадқиқ этилган бир неча номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Жадидшунослик илмий мактаби анъаналари доц. Сотимжон Холбоев фаолияти мисолида жадидчилик ҳаракати тарихини ўрганиш борасида ҳам катта ютуқларга эришмоқда. Олим жадидларнинг миллий университетни ташкил этиш борасидаги ишлари ҳақида алоҳида китоб нашр эттирди. Айни пайтда жадидчилик тарихига оид илмий грантга раҳбарлик қилиб, фундаментал тадқиқотлар олиб бораётир.

Профессор Нурбой Жабборов Фурқат ҳаёти ва ижоди, матншунослик йўналишида эътиборга молик тадқиқотлар яратди. Унинг илмий раҳбарлигида миллий уйғониш даври адабиётининг муҳим илмий муаммоларига бағишланган диссертациялар ҳимоя қилинмоқда. Ёш ўқитувчи Қўлдош Пардаев «Ал-Ислоҳ» журнали бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Адиба Давлатова жадид адабиётида ижтимоий-эстетик идеал муаммоси, Нодира Холиқова 1916 йилги миллий озодлик ҳаракатининг бадиий талқини бўйича номзодлик диссертацияларини якунладилар.

2002 йили туркиялик тадқиқотчи Фатма Ачиқ профессор Б. Қосимов раҳбарлигида «Ёш Туркистон» журналининг тарихий-адабий манба сифатидаги аҳамияти хусусида номзодлик диссертациясини ёқлаган эди. Бу анъана бугунги кунда ҳам давом этмоқда. 2008 йили Хитойдаги Шинжонг университети ўқитувчиси Турсун Қурбон проф. Н. Жабборов илмий раҳбарлигида Залилий ҳаёти ва ижодий меросига оид номзодлик диссертациясини ёқлагани бунинг исботидир.

Ўзбекистон Миллий университетида фаолият кўрсатаётган жадидшунослик илмий мактаби анъаналари республикаимиз вилоятларидаги олий ўқув юртлари ва илмий марказларда ҳам давом эттирилмоқда. Чунончи Муқаддас Тожибоева Андижон Давлат университетида, Гулноза Эрназарова Қарши Давлат университетида, Рустам Тожибоев Қўқон Давлат педагогика институтида, Абдуллатиф Турдиалиев Фарғона вилоят Адабиёт музейида шу давр адабиётини ўқитиш ва илмий ўрганиш билан шуғулланиб келаётгани ушбу фикрни тасдиқлайди.

Санаб ўтилган далилларнинг ўзиёқ кўрсатиб турибдики, жадидчилик ва жадид адабиёти-

ни ўрганиш бўйича илмий мактаб анъаналари муносиб давом эттирилмоқда. Кафедра аспирантлари томонидан Ҳамза ижодини ҳолис илмий асосда қайта баҳолаш (Ш. Амонов), Хислат ҳаёти ва ижодий мероси (Ш. Усмонова) масалаларининг тадқиқ этилаётгани, «Ал-Изоҳ», «Изҳор ул-ҳақ», «Ер юзи» каби ўша даврнинг фаол нашрларидан бўлган журналлардаги адабиёт материалларининг илмий ўрганилаётгани адабиётшуносликнинг б у йўналишида очилажак янги уфқлардан нишонадир.

Профессор Озод Шарафиддинов яратган адабиётшунослик ва адабий танқид илмий мактаби анъаналарининг давоми сифатида яратилган илмий тадқиқотлар ҳам салмоқлидир. Профессор Умарали Норматовнинг «Кўнгилларга кўчган шеърият», «Устоз ибрати», «Ижод сеҳри» китоблари, проф. Абдуғафур Расуловнинг «Истеъдод ва эътиқод», «Танқид, талқин, баҳолаш», «Бадиийлик — безавол янгилик» сингари йирик тадқиқотлари, профессор Қозоқбой Йўлдошевнинг миллий адабиётни ўқитиш методикаси ва ҳозирги адабий жараён бўйича эътиборга молик илмий изланишлари, жумладан, «Ёниқ сўз» китоби, профессор Санжар Содиковнинг «Ижоднинг ўттиз лаҳзаси» монографияси, «Янги ўзбек адабиёти» дарслиги, филология фанлари доктори Баҳодир Каримовнинг «Жадид мунаққили Вадуд Маҳмуд», «Абдулла Қодирий» асарлари, доцент Абдулла Улуғовнинг «Инсон ибратга интилади», «Асл асарлар сеҳри», доц. Узоқ Жўрақуловнинг «Худудсиз жилва» китоблари янги давр ўзбек адабиётшунослигининг муҳим ютуқлари сифатида эътироф этилгани бунинг исботидир.

Бугун миллий филология фанида эришилган салмоқли ютуқлар ўзбек филологияси факультетида мавжуд тўрт бакалавриат йўналиши (ўзбек филологияси, туркий тиллар, нутқ маданияти ва нотиклик, халқаро маданий алоқалар ва санъатшунослик) ҳамда беш магистратура мутахассислиги (ўзбек тилшунослиги, ўзбек адабиётшунослиги, адабий манбашунослик ва матншунослик, туркий тиллар, санъатшунослик журналистикаси) таълим жараёнига изчил татбиқ этиб келинаётир.

Ҳозирги кунда олти ихтисослик бўйича аспирантура, икки ихтисослик бўйича докторантура мавжуд бўлиб, бу борада олиб борилаётган изланишлар факультет илмий салоҳиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбек филологияси факультети ҳузурида адабий манбашунослик ва матншунослик ҳамда

журналистика бўйича фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси учун ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатиб келмоқда.

Устоз филолог олимларнинг хизматлари мамлакатимиз ҳукумати, шахсан Президентимиз томонидан муносиб тақдирланаётгани, айниқса, эътиборга моликдир. Факультет профессори Озод Шарафиддинов, факультетнинг собиқ талабалари, бугунги кундаги фахрий докторлари, Ўзбекистон халқ шоирлари — Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак эътирофга сазовор бўлдилар. Филология фанлари докторлари, профессорлар Иззат Султон, Иристой Қўчқортоев, Азиз Қаюмов, Азим Ҳожиёв, Бахтиёр Назаров Ўзбекистон ФА академиги этиб сайландилар. Филология фанлари докторлари, профессорлар Фулом Каримов, Субутой Долимов, Абдуғани Алиев, Бегали Қосимов, Лазиз Қаюмов, Умарали Нормат

тов, Абдуғафур Расулов — «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби», Шавкат Раҳматуллаев — «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими», филология фанлари докторлари, профессорлар Абдуғафур Расулов ва Санжар Содиқов — «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонларига муносиб қўрилгани миллий тилшунослик ва адабиётшуносликка бўлган юксак даражадаги эътибор тасдиғидир.

Шубҳасиз, миллий филология фани ва таълими олдида ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Ёш, салоҳиятли илмий-педагогик кадрлар етишиб келаётгани бу сингари муаммоларни ҳал этишнинг асосий омилидир. Ишонч билан айтиш мумкинки, миллий филология фани ва таълимининг ривожини истиқболда умуммиллий маданиятнинг юксалишини таъминлашга муносиб хизмат қилажак.